

---

## **Туман кенгаши сессияси АНИҚ МАНБАЛАР БҮЛМОГИ КЕРАК!**

Халқ депутатлари Ёзёвон тумани кенгашининг эллигинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда туман ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, масалага дахлдор давлат ва нодавлат ташкилотлари бошликлари қатнашдилар. Сессияни туман кенгаши раиси, туман ҳокими Дилшоджон Джалилов очди ва олиб борди. Кун тартибидаги “2022 йил маҳаллий бюджетни тасдиқлаш тӯғрисида” туман молия бўлими мудири Сайфулло Мирзаев маъруза қилди. Маърузачига кенгаш раиси маҳаллий бюджетни кўпайтиришда асосий эътибор нимага қаратасиз, дея савол берди. Жавобни ўзи тўлдирди. – Янги йилда қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивида 3 гектар боғ бўлади, – деди кенгаш раиси. – Уни яратиш учун маблағ зарур. Шунинг учун аниқ манбаларни режалаштириш керак. Молия ва солик органларига таклиф тайёрлаш юклатилди. Кун тартибида қўйилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ**

2021-12-30 16:12:04